Илм ўзни билмакдир

# Ma'рифат

MA'RIFAT ★ ХАЛҚ ЗИЁЛИЛАРИ ГАЗЕТАСИ ★ معرفت

1931 йилдан чиқа бошлаган | 1995 йил 15 ноябрь, чоршанба | Баҳоси сотувда эркин нархда. | 45 (6691)

## ТИНЧЛИК ЙЎЛИДАГИ МУШТАРАК МАҚСАДЛАР

11 ноябрь куни Покистон Ислом Республикаси Бош вазири Беназир Бхутто расмий амалий ташриф билан мамлакатимизда бўлди.

Покистон ва Ўзбекистон Республикалари давлат байроқлари билан безатилган Тошкент аэропортида Бош вазир Беназир Бхутто хонимга Ўзбекистон Президенти Ислом Каримов пешвоз чиқди. Миллий либосдаги қизлар юксак мартабали меҳмонга анвойи гуллар тақдим этдилар.

Покистон Ислом Республикаси ва Ўзбекистон Республикаси давлат мадҳиялари янграганидан сўнг Ислом Каримов ва Беназир Бхутто миллий гвардиячиларнинг фахрий қоровули сафи олдидан ўтдилар.

Аэропортда Ислом Каримов ва Беназир Бхутто ўзаро қисқа мулоқотда бўлдилар. Мамлакатимиз Президенти олий мартабали меҳмонни Ўзбекистон заминига ташрифи билан қутлади.

Ислом Каримов ва Беназир Бхутто маҳаллий ҳамда чет эл оммавий ахборот воситалари вакиллари билан суҳбатлашдилар, уларнинг бўлажак музокаралар мавзуси ҳақидаги саволларига жавоб қайтардилар.

— Учрашувимиздан асосий мақсад — минтақада тинчлик ва осойишталикни сақлаш, қўшни Афғонистонда давом этаётган биродаркушлик урушни тўхтатиш ва Афғонистонни тинч, барқарор ўлкага айланишига кўмаклашиш, шу билан бирга, Ўзбекистон билан Покистон ўртасидаги коммуникация ва савдо-иқтисодий алоқаларни ривожлантириш борасидаги масалаларни муҳокама этишдир», — деди мамлакатимиз раҳбари.

Беназир Бхутто Ўзбекистоннинг Марказий Осиёдаги мавқеи, минтақа хавфсизлигини мустаҳкамлашдаги ўрни алоҳида эканини қайд этиб, қўшни Афғонистондаги нотинч вазиятни барқарорлаштириш масаласида Ўзбекистон билан Покистоннинг қарашлари муштарак эканини таъкидлади.

Шу куни Ўзбекистон Республикаси Президенти саройида Беназир Бхутто ва Ислом Каримовнинг учрашуви бўлди. Унда минтақада тинчлик ва хавфсизликни таъминлаш, Афғонистондаги вазиятни барқарорлаштириш билан боғлиқ масалалар юзасидан фикрлашиб олинди.

Маълумки, Президент Ислом Каримов Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг эллик йиллиги муносабати билан ўтказилган Бош Ассамблеянинг тантанали йиғилишида нутқ сўзлаб, Афғонистонда давом этаётган уруш нафақат Марказий Осиё, балки бутун дунё хавфсизлигига таҳдид солиб турганини таъкидлаган, бу ердаги кескинликнинг олдини олиш учун, даставвал, ташқи кучлар аралашувини бартараф этиш ҳамда бу мамлакатга қурол олиб киришни таъқиқлаш ҳақида таклиф айтган эди. Покистон Ислом Республикаси ҳукумати раҳбарининг мамлакатимизга мазкур расмий амалий ташрифини Президент Ислом Каримовнинг ана шу долзарб нутқи аксадоси дея баҳолаш мумкин. Афғонистон ва Тожикистондаги можароларни тинч йўл билан ҳал этишдан бутун Марказий Осиё республикалари, шунингдек Покистон ҳам манфаатдордир. Чунки, «Қўшнинг тинч — сен тинч» деб бежиз айтилмаган. қолаверса, Афғонистонда тинчлик ва барқарорлик ўрнатилиши минтақадаги хавфсизликни таъминлаш билан бирга қўшни давлатларнинг ўзаро иқтисодий, маданий ва бошқа соҳалардаги алоқаларини янада юқори поғонага кўтариш имконини беради. Шу маънода, Беназир Бхуттонинг Ўзбекистонга мазкур ташрифи катта аҳамият касб этди.

Шунингдек, учрашувда Ўзбекистон билан Покистон ўртасида иқтисодий, маданий ва савдо алоқаларини янада ривожлантиришга оид масалалар муҳокама этилди.

Шу куни Покистон Ислом Республикаси Бош вазири Беназир Бхуттонинг Ўзбекистон Республикасига расмий амалий ташрифи ниҳоясига етди.

Тошкент аэропортида юксак мартабали меҳмонни тантанали кузатиш маросими бўлди.

Аэропортда Покистон Ислом Республикаси ҳукумати раҳбарини Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов, Президентнинг давлат маслаҳатчиси Бахтиёр Ғуломов, Ўзбекистон Республикаси ташқи ишлар вазири Абдулазиз Комилов ва бошқа расмий кишилар кузатиб қолдилар.

Кузатиш маросимида Покистон Ислом Республикасининг мамлакатимиздаги Фавқулодда ва Мухтор элчиси Шафқат Али Шайх ҳозир бўлди.

**Шуҳрат УМИРОВ.**
**(ЎзА).**

## ФАН РАВНАҚИСИЗ БУЮК ДАВЛАТ ҚУРИБ БЎЛМАЙДИ

Тошкентда Ўзбекистон Фанлар академиясининг республика Фанлар академияси Президентини сайлашга бағишланган умумий йиғилиши бўлиб ўтди. Унда иштирок этган республика бош вазирининг ўринбосари С. Саидқосимов давлатимиз раҳбари Ислом Каримов Фанлар академияси президенти лавозимига тавсия қилган икки номзодни тўпланганларга маълум қилди.

Йиғилиш қарорига биноан яширин овоз бериш йўли билан ўтказилган сайловда кўпчилик овоз олган академик Тўхтамурод Жўраев Фанлар академияси президенти этиб сайланди. Ундан бир кун муқаддам Президент Ислом Каримов бир гуруҳ олимлар — Фанлар академиясининг вакиллари билан учрашди.

Ўзбекистон фани, хусусан, Фанлар академияси олдида турган муаммолар кўп, деди Ислом Каримов. Биз аввалги учрашувларимизда уларни ҳал этиш бир кунда бўладиган иш эмаслиги, бу масалаларни қадам-бақадам ечиб бориш тўғрисида фикрлашган эдик. Шундан буён ўтган икки йилча вақт мобайнида академиянинг бошқарув тизимини такомиллаштириш, ижодий муҳитни соғломлаштириш борасида бирмунча ишлар амалга оширилди.

Мамлакатимизда ўтказилаётган сиёсий, иқтисодий, ижтимоий ўзгаришлар, қийинчилик билан бўлса-да, олға силжимоқда. Шуниси қувончлики, ислоҳотларнинг дастлабки натижалари, бу йўлдаги ютуқлар кўзга ташланиб қолди. Буни нафақат яқин қўшниларимиз, балки дунёдаги буюк давлатларнинг раҳбарлари, Халқаро валюта фонди, Жаҳон банки каби нуфузли халқаро ташкилотлар экспертлари ҳам эътироф этмоқда. Бизнинг икки-уч йил аввал Ўзбекистон — келажаги буюк давлат, деган шиоримизни истеҳзо билан қаршилаган айрим кимсалар ҳам бугунги ҳақиқат олдида тан бермоқда.

Бу меҳнаткаш халқимизнинг самарали меҳнатлари натижаси, ютуғидир. Бунда сиз, турли соҳа олимларининг ҳам сезиларли ҳиссангиз бор, қолаверса, одамларимизнинг қон-қонига сингиб кетган юксак маданият, интеллектуал салоҳият борки, ана шулар бу натижаларни қўлга киритишда асосий омил бўлди, десам янглишмайман. Қисқача айтганда, табиий бойликлар, қулайликлар ўз йўлига, лекин шундай бир ноёб бойлигимиз борки, бу — меҳнаткаш халқимиз ва унинг ақлзаковатидир. Бу бойлик билан ҳар қанча фахрлансак арзийди.

Мустақиллигимизнинг тўрт йиллик байрамида таъкидлаганимиздек, энг оғир кунлар ортда қолди. Бизни Яратганнинг ўзи бало-қазодан асради ва асраяпти. Фарғона, Ўш фожиаларининг олови вақтида ўчирилди, миллий, диний низолардан сақлана билдик. Зеро, тинчлик йўқ жойда ҳеч нарса бўлмайди, савобли ишларга қўл тегмайди. Доноларимиз, бир кун жанжал чиққан уйдан қирқ кун барака кўтарилади, деб бежиз айтмаганлар.

Бу ҳикматни теран тушуниш керак. Мусофир бўлмаган мусулмон бўлмас, деган гап ҳам бор. Шу маънода бугунги тинчи бузилган узоқяқин юртларни кўриб келаётганлар кўзи очилиб қайтяпти. Чунки ҳақиқий шароит солиштириб кўрганда билинади. Демоқчиманки, биз ҳам истиқлол арафасида, унинг дастлабки йилларида оғир хавф остида яшадик. Нафақат иқтисодий қийинчилик, балки маънавий таназзул хавфини ҳам бошимиздан кечирдик. Шукрки, халқимиз ўша вақтдаги вазиятни, бизнинг ниятимизни тўғри тушунди ва қўллаб-қувватлади. Бу эса, ўз навбатида, ислоҳотларни амалга оширишда катта таянч бўлди, дея таъкидлади Ислом Каримов.

Мамлакатимиз олдида турган муаммоларга келсак, иқтисодий масалалар аста-секин ўз ечимини топмоқда ва бу борада кўзлаган мақсадимизга эришяпмиз. Аминманки, яқин йиллар ичида иқтисодий аҳвол бутунлай ўнгланиб кетади. Аммо илм-фанни ривожлантириш, халқ маънавиятини юксалтириш борасида эса сиз, академиклар, барча зиёлилар олдида жуда улкан вазифалар турибди.

Республика Фанлар академияси ҳақида гапирар эканмиз, шуни қайд этиш мумкинки, мазкур илм масканида кейинги бир ярим-икки йил ичида муҳим ижобий ўзгаришлар рўй берди. Хусусан, бир қанча ёш, истеъдодли олимлар академик деган юксак унвонга сазовор бўлди. Ҳақиқий аъзолар сони 80, мухбир аъзолар эса 86 нафарга етди. Бу сизлар учун оддий ҳол бўлиб туюлиши мумкин. Чунки, таъбир жоиз бўлса, сиз шу қозон ичидасиз. Лекин кенг жамоатчилик назарида, халқимиз ҳаётида бу катта воқеа бўлди. Марказдан четроқда — вилоятларда ишлаётган ходимлар, айниқса умидли ёшларнинг академия аъзолигига сайланиши уларнинг адолат ва ҳақиқат барқарорлигига, ўзининг илмий келажагига бўл-

**(Давоми 2-бетда)**

«Ўқитувчи-95»

## МАҲОРАТНИНГ ЎН ТЎРТ ЛАҲЗАСИ







Мамлакатимизда вақтинча бир оз иқтисодий қийинчилик сезилаётган ҳозирги даврда халқни чақириб байрам, тўй ёки шунга ўхшаш тадбир ўтказаётган одамлар сира кам бўлишмасин. Ана шу жиҳатдан олиб қараганда, қўқонликларга, умуман фарғоналикларга ҳар қанча тасаннолар айтсак оз. Ҳолбуки, бу йилги жуда кенг қамровли, меҳмон кутиш-у дилхушлик билан кузатиб қўйишни ҳам ҳисоблаганда қарийб бир ҳафтада давом этган республика «Ўқитувчи-95» кўрик-танлови водийнинг хизр назар этган шаҳри — Қўқонди латифда ўтказилди. Унда 12 та вилоят, Тошкент шаҳри ва Қорақалпоғистондан келган 14 нафар учинчи тур вилоят ғолиблари, муаллимлар, нуфузли меҳмонлар қатнашдилар.

Шундай катта тадбирнинг айнан Фарғона вилоятида ўтказилишининг ўзига хос сабаблари бор. Бу йилдан бошлаб кўрик-танлов шу тадбирда энг кўп балл тўплаган ғолиб муаллимнинг юртида ташкил этилади. Ўтган йили беллашувларда эса маълумки, бағдодлик ўқитувчи Тўлқиной Ҳалилова биринчи ўринни эгаллаган эди.

Танлов ҳакамлар ҳайъатининг раиси, профессор Ғайрат Шоумаров бизга, «Бу тадбир Фарғона вилоятида тажриба-синов тариқасида биринчи марта олиб бориляпти. Натижалар яхши бўлса, уни, албатта, анъанага айлантириш керак», дедилар. Олдиндан айтиш мумкинки, кўрик-танлов жуда уюшқоқлик билан, ҳалол ва байрамона руҳда ўтказилди. Ҳакамлар ҳайъати кишилар кўз ўнгида ниҳоятда адолатли йўл тутдилар. Фарғоналиклар эса мазкур анжуманга катта тайёргарлик кўришибди. Айтиш мумкинки, яратилган шароитлар борасида бирон-бир жиддий муаммога дуч келинмади.

Ўзбекистон халқ таълими вазирининг ўринбосари Хайриддин Маъсудов, Фарғона вилояти ҳокимининг ўринбосари Фотиҳ Азимов ҳамда вилоят халқ таълими бошқармаси бошлиғи Турсунали Қурбонов иштирокчиларни байрам билан қутлар эканлар, мазкур кўрик-танловда фақат ғолиблар иштирок этаётганини, бундан мақсад фақатгина ўрин аниқлаш эмас, балки ўзаро тажриба, фикр алмашиш, янгиликлар яратиш ҳамда миллий педагогикамизни ютуқлар билан бойитиш эканлигини алоҳида таъкидладилар. Танловнинг асосий машғулотлар қисми шаҳардаги энг илғор саналган 4- ва 29-мактабларда олиб борилди. Биринчи дарсни сирдарёлик меҳмон Сергей Хон 7-синфда алгебра фанидан ўтказди. Муаллим бунда асосан «Ўқитувчи-ўқувчи мулоқоти», «Сочма саволлар» услубидан фойдаланиб, машғулотда ўқув-техника қуроллари, тарқатма материаллардан унумли фойдаланди. Алгебра қанчалик мураккаб фан бўлмасин, Сергейнинг фикрлари содда, тушунарли, умуман, болаларбоп эди. Шу боис у 45 минутда кўп натижага эришди, машғулотни тарих билан боғлаб, унга миллий руҳ кирита олди.

Қорақалпоғистонлик Юлия Мирошниченко танловнинг энг ёш иштирокчиси. У 11-синфда инглиз тилидан машғулот ўтди. Муаллима дарсда интенсив педагогиканинг коммуникатив услубидан усталик билан фойдалана олди. Ўзи танлаган мавзуга соф инглизча, европача руҳни омухталаштирди. Болалар эса 45 минут вақтда ўзларини эркин, қувноқ ва зукко тутдилар. Муҳими, ўқитувчилари билан соф инглиз тилида суҳбатлашдилар. Муаллима ўқувчиларга Буюк Британия ҳақида кўп маълумотлар берди, бу улуғ мамлакатнинг Ўзбекистон билан ҳозирги алоқалари, унинг мамлакатимизга ўхшаш томонлари хусусида тўхталди.

Тошкентлик иштирокчи Мавжудахон Толипова рус тилида ўқитиладиган 10-синфда ўзбек тили фанидан «Ҳамза барҳаёт» мавзусида машғулот ўтди. Дарс босқичларга бўлинди ва ҳар бир босқичда муаллима, мусобақа, топишмоқ дарс, «Ажойиботлар майдончаси» каби алоҳида услублардан фойдаланди. Муҳими, Мавжудахон ўқувчилар эътиборини меҳрибонлик, ширинсуханлик, билимдонлик билан ўзига жалб эта олди. Муаллима ўқувчиларга кўпроқ тил ўргатишга ва Ҳамза ҳақида маълумот беришга ҳаракат қилди.

Жиззахлик Саодатхон Нурматова ҳам 45 дақиқада барча танлов иштирокчилари қатори олдига қўйган мақсадга тўлиқ эришди. У 8-синфда геометриядан учбурчаклар ҳақида машғулот олиб борди. Ўқувчилар дарсда Пифагор теоремасининг ҳозирга қадар 150 исботи борлигини, шундан бирини буюк аллома ибн Сино топганини ҳам билиб олдилар. Ўқитувчи ўз услублари билан синфда дирижёрлик вазифасини бажарди. Унинг дарсга илмий-услубий жиҳатдан яхши тайёргарлик кўргани алоҳида эътиборга лойиқдир.

Тошкент вилоятидан келган Шаҳлохон Назирқулова 9-синфлардаги меҳнат дарсида ўзининг бичиқчилик маҳоратини тўлиқ намойиш эта олди. У мусобақа услубидан моҳирона фойдаланди ва буни «Ҳаёт меҳнат дарсидир» дея номлади. Болалар машғулот давомида халат учун ўлчов олиш, халат турлари чизмаси хусусида пухта билимга эга бўлдилар ҳамда эркин амалий машғулот бажардилар.

Айниқса, самарқандлик муаллима Дилбархон Бобомуродованинг машғулоти ўзининг чуқур мазмунлилиги, таҳлилларга бой эканлиги билан кўпчиликда яхши таассурот қолдирди. У 11-синфда адабиёт фанидан А. Қодирийнинг «Ўтган кунлар» асари асосида дарс олиб борди. Болалар «думалоқ стол» атрофида уч гуруҳга бўлиниб ўтиришган. Улар муаллима бошқаруви остида ўзаро эркин фикр алмашишди. Саҳна кўринишлари, машғулотнинг «суд» жараёнидаги асар қаҳрамонларининг ўзларини оқлаб гапиришлари дилларни ларзага солди.

Маълумки, ўқувчи билимини рейтинг усулида баҳолаш педагогикамизга кенг миқёсда кириб келди. Навоийлик ўқитувчи Ҳомиджон Ҳотамов машғулотда худди шундай услубдан моҳирона фойдаланди. У 9-синфда тарих фанидан «80-90-йилларда халқ ҳаракатининг вужудга келишидаги шарт-шароитлар» мавзусида дарс ўтди. Муҳими, муаллим тарихий воқеаларни ҳозирги кунларимиз билан моҳирона боғлади.

Хоразмлик иштирокчи Гавҳарой Ибодуллаеванинг дарси, ҳакамлар ҳайъати аъзоси Яшнарбек Авлоқуловнинг таъбири билан айтганда, ниҳоятда табиий чиқди. Бунда олдиндан кўрилган тайёргарлик ёхуд «сценарий» умуман сезилмади. У 6-синфда адабиёт фанидан «Аваз Ўтар ўғли» мавзусида ажойиб машғулот олиб борди. 45 дақиқали дарс уч қисмга бўлинди. Ҳар бир қисмда асл нусхали услублар қўлланди. Мушоира қилинди, қўшиқ айтилди, Аваз Ўтар ҳаёти ва ижоди, айниқса, унинг «Тил» шеъри ўқитувчининг бошқаруви асосида чуқур таҳлил этилди. Машғулотга илмий-услубий томондан яхши ишлов берилди. Магнитафондан халқ артисти К. Отаниёзов ижросида «Тил» қўшиғи эшиттирилди. Видеомагнитафонда шоир яшаган зиёратгоҳлар кўрсатилди. Ўқувчилар Аваз Ўтарнинг «Саодатул Иқбол» девонидан ўрин олган «Фидойи халқим», «Эй Аваз», «Ҳуррият», «Уламоларга», «Топар экан қачон» каби шеърларидан парчалар айтишди. Ўқувчиларнинг билими рейти-

**(Давоми 2-бетда)**



*«Маърифат» хабарлари*

### ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН

**ЛИЦЕЙДА МУЗЕЙ**

Хўжайли шаҳридаги қишлоқ хўжалиги лицейида Жангабой Бекмуротовга бағишланган музей очилди. Ушбу лицей унинг номидадир.

Хўш, Жангабой Бекмуротов ким бўлган?

У қишлоқ хўжалиги ҳунар-техника билим юртида (ҳозирги лицейда) директор бўлиб ишлаган. Кўп йиллар давомида давлат ва жамоа хўжаликларида директор, раис сифатида самарали фаолият кўрсатиб, туман қишлоқ хўжалигини юксалтиришга, ёш мутахассислар тайёрлашга муносиб ҳисса қўшган. Дарвоқе, музей очилишига бағишланган тантанада Қорақалпоғистон Республикасининг узоқ йиллар давомида биринчи раҳбари бўлиб ишлаган, ҳозирги пайтда республика миқёсидаги фахрий нафақахўр Қаллибек Камоловнинг иштирок этиши ва нутқ сўзлаши бежиз эмас, албатта.

**«ЙИЛ МАКТАБИ — 95» ҒОЛИБЛАРИ**

Қорақалпоғистон Республикаси «Йил мактаби — 95» кўрик-танловида Беруний шаҳридаги С. Раҳимов номли ўрта мактаб (директори Исмоил Рўзметов) ва Нукус шаҳридаги М. Нурмуҳамедов номли ўрта мактаб (директори Ойбек Дўсчонов) биринчи ўринларни эгаллашди. Ҳар иккала мактаб энди шу йил ноябрь ойида ўтказиладиган «Йил мактаби — 95» кўрик-танловида ўз омадларини синаб кўришади.

**ЧАККИ ЭМАС**

Республика Вазирлар Маҳкамасининг Ўзбекистонда футболни ривожлантиришга қаратилган махсус қарорини бажариш борасида Беруний шаҳар халқ таълими бўлими (мудири Энгел Ҳасанов) муваффақиятли иш олиб боряпти. Жумладан, ўтган ўқув йилида 6-ва 9-ўрта мактабларда футбол синфлари ташкил қилинди. Болалар ва ўсмирлар спорт мактаби эса жойларда ёш футболчилар жамоаларини тузди.

Дастлабки натижалар чакки эмас: Берунийлик ёш футболчилар Жиззах шаҳрида ўтказилган бошланғич синфларнинг спорт фестивалида мини футбол бўйича Ўзбекистонда иккинчи ўринни эгаллаб, зафар қучдилар.

**ТАШЛАНДИҚ ТЕМИРДАН ЗАРУР БУЮМЛАР**

Хўжайли тумани халқ таълими бўлимига қарашли 2-мактаблараро ўқув-ишлаб чиқариш комбинати директори Шарибой Реимбоевнинг ташаббуси билан комбинатда темирчилик цехи ташкил қилиниб, ташландиқ темир парчаларидан пичоқ, ўроқ, бигиз каби буюмлар ишлаб чиқарила бошланди. Дурадгорлик цехида эса бешик, ўқлов, хонтахта, оштахта ва бошқа буюмлар ясалмоқда. Маҳсулотлар аҳолига арзонроқ баҳода сотиляпти. Натижада комбинат давлат банкида ўз ҳисоб рақамига эга бўлди.

Бундан ташқари, комбинат жамоаси томонидан ихтиро этилган қишлоқ хўжалигида қўлланиши мумкин бўлган бир неча асбоб-мосламалар ҳам бор.

**Ғойиб ЁҚУБОВ,**
**ўз мухбиримиз.**

### ОБУНА-96

ҲУРМАТЛИ ГАЗЕТХОНЛАР!

*Қадрли халқ таълими ходимлари: муаллимлар, профессор-ўқитувчилар, тарбиячилар ва талабалар!*

*Доимий ҳамроҳингиз, яқин дўстингиз ва маслаҳатчингиз, ўз қадрдон нашрингиз — «Маърифат» газетасига шу йил 1 октябрдан 1996 йил учун обуна бошланди. Обуна барча алоқа бўлимларида қабул қилинмоқда.*

Фуқаролар учун:

**1 йилга — 492 сўм**
**6 ойга — 246 сўм**
**Фуқаролар учун нашр индекси — 64595**

**Корхона ва ташкилотлар учун:**

**1 йилга — 648 сўм**
**Корхона ва ташкилотлар учун нашр индекси — 64683**

Алоқа ва почта хизматлари яқинлиги ва гавжумлиги инобатга олиниб, Тошкент шаҳри учун алоҳида обуна нархи белгиланди.

Фуқаролар учун:

**1 йилга — 360 сўм**
**6 ойга — 180 сўм**
**Фуқаролар учун нашр индекси — 64595**

**Корхона ва ташкилотлар учун:**

**1 йилга — 648 сўм**
**Корхона ва ташкилотлар учун нашр индекси — 64683**

# ФАН РАВНАҚИСИЗ БУЮК ДАВЛАТ ҚУРИБ БЎЛМАЙДИ

(Боши 1-бетда)

ган ишончини мустаҳкамлади.

Ўрни келганда шуни айтмоқчиманки, ҳақиқий зиёлилар олис қишлоқларда ҳам кўп. Баъзи соҳаларда улар шаҳардаги ҳамкасбларидан устун бўлса устунки, асло кам эмас. Қолаверса, дипломга эга бўлиш — бу ҳали том маънодаги зиёли дегани эмас. Зиёли одам ўз тафаккур савияси, пок юраги, ички маданияти билан мутлақо бўлакча инсон бўлади. Шундай экан, биз уларнинг қадрини, иззат-икромини жойига қўйиш ҳақида кўпроқ ўйлашимиз лозим. Шу маънода Фанлар академиясига янги сайловлар бу ерда қарор топаётган соғлом муҳитнинг илк намойиши бўлди, деди Президент.

Лекин бугунги кунда Фанлар академияси олдида турган муаммолар ҳам кам эмас. Биз яхши тушунамиз, ҳозирги бозор иқтисодиётига ўтиш даврида келажакни ўйлаб, борига қаноат қилиб фан йўлида заҳмат чекиш — бу фидойиликдир. Бугунги кунда шуни тан олиш лозим: лаборатория ва тажрибахоналарда илм-фанга бутун қалби билан берилган чинакам саботли ва садоқатли заҳматкашларгина қолди, десак ҳеч қачон муболаға бўлмайди. Фан соҳасига фандан бошқа мақсадларни кўзлаб кирган айрим кишилар аллақачон бўлак ишларнинг бошини тутиб кетди.

Ҳозирги оғир шароитда фанга интилиш, ҳаётини илмга бағишлаш қаҳрамонлик билан баробар. Шунинг учун бу фидойи инсонларга эҳтиром билдириш барчамизнинг бурчимиздир. Ўз лабораториясига, ўз изланиш ва тадқиқотларига, ўз фанига содиқ қолган илм аҳли бугун ҳар қанча эъзозга муносиб. Менга қолса, бугун ана шундай одамларга атаб «Фанга садоқати учун» деган махсус медал таъсис этган ва ўша фанпарвар одамларнинг ҳар бирининг кўксига ўз қўлим билан тақиб қўйган бўлур эдим.

Фанлар академиясининг тарғиботи етарли даражада эмаслигини айтиб ўтиш лозим. Телевидениенинг ҳам, матбуотнинг ҳам бу соҳага эътибори шахсан мени қониқтирмайди, деб таъкидлади Президент. Илм-фаннинг ҳақиқий фидойиларини кўпроқ кўрсатиш, бу мавзудаги кўрсатув ва мақолаларнинг мазмунини тубдан яхшилаш керак.

Халқимизда, айниқса, ёшларимизда илм-фанга бўлган ташналик ва интилиш ҳар томонлама қўллаб-қувватлашга сазовор соғлом ижодий хусусиятдир. Илм-маърифатга қизиқиши суст миллатнинг келажаги ҳам бўлмайди. Шу ўринда мени бир нарса қувонтирадики, бизнинг етакчи олимларимиздан ҳеч ким ўз манфаатини ўйлаб чет элларга кетиб қолмади. Ҳолбуки, у ёқларда бизнинг олимларга ҳам «харидорлар» кўплаб топилади.

Шахсан мен буни асл ватанпарварлик белгиси, деб биламан. Юртга бундай содиқлик, бу сабр-чидам, албатта, таҳсинга арзийди. Лекин шу ўринда бошқа ҳақли савол туғилади: хўш, бу сабр-бардош қанчагача давом этиши мумкин? Ҳар қандай чидамнинг ҳам чегараси бор-ку! Агар биз илм-фан аҳлига, чинакам фанпарвар олимларимизга тегишли шарт-шароит яратиб бермас эканмиз, бу ҳол тузатиб бўлмас салбий оқибатларга олиб келиши мумкин. Фаннинг замона талаблари даражасида тараққий топиши учун, менинг назаримда, қуйидаги муҳим омиллар зарур: ғоя, моддий асос, тегишли шароит ва фикр, тафаккур эркинлиги.

Илмга, ижодга, кашф этишга интилиш — бу олижаноб интилишдир. Ҳозирги шароитда ишбилармонлар, савдогар ва тадбиркорлар топиш-тутиш жиҳатидан илм-фан ва маданият соҳаси кишиларидан ўтиб кетгани сир эмас. Майли, бозор иқтисодиёти бусиз бўлмайди. Савдо-сотиқ, бизнес керак. Лекин фан, ижод уларнинг соясида қолишига биз йўл қўя олмаймиз. Чунки мамлакатнинг иқтисодий қудратини, унинг эртанги кунини, борингки, тақдирини ҳам пировард натижада ақл-заковат, маънавият ҳал қилади. Зеро, илмга интилиш йўқолса, фан тараққий этмайди, илму фан ривожланмаса — жамиятнинг келажагини тасаввур этиб бўлмайди. Бу ҳақиқатни барча теран ҳис қилмоғи даркор.

Иқтисодимизнинг ривожланиши, бозор тўкин бўлиши, миллий валютани эркин алмаштириш, чет элларга бориш-келишни осонлаштириш мумкин. Шубҳасиз, ҳадемай барча иқтисодий масалалар ечилади. Ўзбекистон, албатта буюк давлатлар сафидан жой олади. Лекин халқнинг теран маънавиятисиз, ғурурисиз, юксак маданиятисиз буюк давлат қуриб бўлмайди. Шунинг учун фан кишилари узоқни — ана шу кўзлаган буюк келажагимизни назарда тутиб ишлашлари керак.

Шу маънода, Фанлар академияси олдида қандай вазифалар турибди?

Биринчидан, биз қандай улуғ мероснинг ворислари эканимизни асло унутмаслигимиз лозим. Яқинда ЮНЕСКОда Ўзбекистоннинг маданий тарихи биз учун улкан кашфиёт бўлди, деган фикр айтилди. Ана шу буюк меросни халққа етказиш, уларнинг қалбига муҳрлаш, кенг ташвиқ қилиш миллатимизда ғурур ва ифтихор уйғотади. Ана шу ўлмас бойлик ва маданиятни ҳар томонлама ривожлантириб, миллий заковат ва илмий салоҳиятни юксалтириш академиянинг энг асосий вазифасидир.

Хўп, ўтмиш билан фахрланиш керак, ифтихор қилиш зарур, лекин биз фақат шу билангина чегараланиб қолишимиз мумкин эмас. Сабаби, фақат ўтмиш обрўси билан яшаб бўлмайди. Илгари айтган бир фикримни яна такрорламоқчиман: ҳар бир авлод тарихнинг ўзига тегишли саҳифасини ўзи ёзиши лозим. Хўш, аждодларимиздан бизга буюк мерос қолган экан, биздан авлодларимизга қандай мерос қолади? Биз фарзандларимизга қандай илмий ихтиро ва кашфиётларни, қандай фан ютуқларини, қандай илмий тафаккурни мерос қилиб қолдирамиз?

Мана шу масалаларга ечим топиш академиямизнинг иккинчи муҳим вазифаси бўлиши керак.

Учинчидан эса, умуман академиянинг таркибий тузилишини қайта қурмоқ даркор. Токи, бу фандаги устивор соҳаларни ривожлантириш учун тўла имконият берсин.

Очиғини айтганда, илм-фан соҳасида танқид жуда ҳам хуш кўрилавермайди. Диссертацияларни ҳимоя қилишда ёқловчининг бошини силаш, камчилигини деярли айтмаслик ҳоллари кучли. Ҳолбуки, танқид — тараққиёт омилларидан биридир. Бунга барҳам бериш керак. Фанда ҳақиқий фикр муҳити ҳукм сурсин, фидойи, заковатли одамлар ишласин.

Илму фаннинг чинакам равнақига эришиш учун ташқи дунёга эшикни кенг очиш керак. Жаҳон фани ютуқларидан вақтида ва тўла хабардор бўлиш тенгсиз аҳамиятга эгадир. Бунинг учун, ҳар бир илмий ходим чет тилларини пухта эгаллаши зарур. Негаки, бир илмий кашфиётнинг, айтайлик, инглиз тилидан рус тилига, кейин ўзбек тилига ўгирилиб, бизга етиб келиши учун уч-тўрт йил вақт кетади ва у эскириб қолади. Бинобарин, аслият тилини билмаган олим илмий янгиликлардан, тараққиётдан орқада қолади. Ўз қобиғига ўралашиб қолиш эса фанда йўл қўйиб бўлмайдиган ҳолдир.

Биз бир нарсани унутмаслигимиз шарт, деди Президент сўзини давом эттириб, биз Шарқ давлати, мусулмон мамлакатимиз. Баъзиларнинг фикрича, мусулмон мамлакати бўлиш гўёки қолоқлик, оқсоқлик белгиси эмиш. Бу фикрга асло қўшилиб бўлмайди. Биз мусулмон мамлакати эканимиздан сира хижолат чекмаслигимиз, аксинча, доимо фахрланишимиз лозим. Чунки Шарқнинг минг йиллик фалсафасию ислом қадриятлари тараққиёт учун бебаҳо хазинадир.

Шарқона қадриятларда икки нарса ғоят улуғланади: каттага ҳурмат, кичикка иззат. Шу икки хусусият Академияда, умуман, ижтимоий ҳаётимизда асосий тамойил бўлсагина, муҳит соғломлашади. Яхшилик ҳам, ёмонлик ҳам қайтади, дейдилар. Катталарни даврин ўтди, демаслик билан бирга ёшларнинг йўлини тўсмаслик керак. Ана шундагина ўсиш, ривожланиш тезлашади.

Фан аҳлига, зиёлиларга самарали ишлаш учун зарур шароит яратиб бериш давлатнинг бурчидир, деди Президент. Баъзан биттагина илмий кашфиёт мамлакатни бутун дунёга машҳур қилиши мумкин.

Айниқса, фундаментал фанларга алоҳида эътибор бериш керак. Чунки фундаментал фанлар тараққиёт асосидир. Нима учундир айрим кишиларда бу фанларни ривожлантириш қимматга тушади, деган нотўғри қараш бор. Фақат бу фанлар улкан самарасини кейинроқ беради, холос. Улар олимдан алоҳида салоҳият, истеъдод, сабот-матонат талаб этади. Бу фанлар билан дуч келган ҳар қайси олим ҳам шуғуллана олмайди.

Ана шу жиҳатларни ҳисобга олиб, бу фанлар ривожига кўмаклашувчи алоҳида жамғарма тузиш мақсадга мувофиқ бўлур эди. Бу жамғарма маблағларини устивор илмий соҳалар учун адолатли тақсимлаш академия ва жамғарма кенгаши зиммасида бўлиши зарур.

Менинг яна бир фикрим шундайки, биз фан ва унинг ҳар қайси бўғинларига — у институт, бўлим, лаборатория бўлсин, тегишли эркинлик, тегишли қулайлик ҳамда моддий шарт-шароит яратиб бермасак бу соҳада самарали натижаларга эришиб бўлмайди. Бунга кўплаб мисоллар келтириш мумкин. Илм масканларида фақатгина фикр эркинлиги, чинакам ижод ва изланиш ҳукмрон бўлмоғи зарур.

Сўзимнинг якунида шуни айтмоқчиманки, деди Ислом Каримов, академиямиз бундан буён ҳам энг нуфузли фан маскани бўлиб қолсин. Илғор фан-техника ютуқлари одамларимизнинг оғирини енгил қилишга, маънавий дунёсини юксалтиришга хизмат қилсин. Токи биз улуғ боболаримизнинг беқиёс ақл-заковати билан фахрланиб юрганимиз сингари келгуси авлодлар ҳам бугунги олимларимизнинг илмий кашфиётлари ва салоҳиятларидан ҳамиша ифтихор қилсинлар.

**А.ТОШХЎЖАЕВ.**
**(ЎзА).**



# МАҲОРАТНИНГ ЎН ТЎРТ ЛАҲЗАСИ



(Боши 1-бетда)

нг усулида баҳоланди. Ҳакамлар ҳайъати бу машғулотга 30 балли тизим асосида юқори кўрсаткичли ҳисобланган 25, 82 балл қўйишди. Зеро, Гавҳарой юртдоши бўлмиш улуғ шоир А. Ўтарнинг

«Ҳар тилни билув эмди бани одама жондур,

Тил воситаи робитаи оламиёндур».

деб айтиладиган шеърини бугунги воқелик билан «теша тегмаган» маълумотларга бой тарзда боғлай олди ҳам.

Андижонлик Абдураҳим Мирзааҳмедов ўқитувчиликни ҳақиқий санъат даражасига кўтара олганлиги билан эътиборга тушди. Бинобарин, ў ҳам танлов иштирокчилари орасида энг юқори балл олди. Муаллим ўзи олиб борган машғулотни Заҳириддин Муҳаммад Бобурнинг ҳаёти ва ижодига бағишлади. Дарс тарих, жуғрофия ва ўлкашунослик фанларига омухта қилинди.

Ўқувчилар муаллим томонидан берилган саволга жавоб топиб, аста-секиндан олдиларидаги қалъани забт этадилар. Қалъа декорацияси эса ўқитувчи томонидан ижодий равишда жуда қизиқарли тайёрланган. Хуллас, бу машғулот ҳам табиийлиги, янгиликка бойлиги ва ҳар жиҳатдан пухталиги билан кўпчиликнинг хотирасида узоқ сақланадиган бўлди.

Бухоролик муаллима Зийнатхон Бурхонова 7-синфда ўзбек тилидан равишлар ҳақида гўзал бир машғулот ўтказиб берди. У асосан мусобақа, «Ажойиботлар майдончаси» услубларидан фойдаланиб, дарсни қисман театрлаштирди, ҳамда унга қизиқарли ўйинларни олиб кирди. Ҳар дақиқада муаллиманинг маҳорати кўзга ташланиб турди. Қарангки, Зийнатхон ҳатто ўзи ўтаётган мавзуга бағишлаб китоб ҳам нашр этган экан.

Биламизки, ўйин — болаликнинг ҳамроҳи. Айниқса, қуйи синф ўқувчилари бир соатлик дарсда тез толиқиб қолишади. Бинобарин, наманганлик Маъсудахон Раззоқова 2-синфда олиб борган математика машғулотида ҳаммага манзур йўл танлади. Яъни у математик таҳсилни янги турдаги ўйинлар билан бойитди. Машғулот бошида каттакон пахта чаноғидан Пахтаой чиқиб, ўқитувчига совғалар тўла сирли сандиқчани топширди. Болалар «Зийрак қуёнча», «Олтин балиқча» ўйинларини ўйнаб, мисол ишлаётганларида, муаллима уларни рағбатлантириб борди. Машғулот қизиқарли, жувноқ ва услубий жиҳатдан бой тарзда олиб борилди. Ўтилаётган мавзу эса мамлакатимиздаги байрам саналари ва экологик муаммоларга усталик билан боғланди.

Қашқадарёлик Гулнорахон Шукурова 6-синфда тасвирий санъат дарсида «Варрак учираётган бола» мавзусида машғулот ўтаётиб, ўзининг ҳақиқий санъат фидойиси эканлигини намойиш эта билди. Бунда ўқувчилар тасвирий санъатнинг графика, мусаввирлик, ҳайкалтарошлик усуллари ҳақида дурустгина маълумотга эга бўлдилар. Ҳатто, улар пойтахтимиздаги Амур Темур ҳайкалини машҳур ҳайкалтарош Илҳом Жабборов ишлаганини ҳам билиб олдилар. Ўқувчилар қисқа вақтда аппликация услубида амалий машқ бажариб, гўзал табиат манзараларини яратдилар. Ўқитувчи чиқит матолардан тайёрлаган картиналар эса ҳаммага ҳам маъқул тушди. Гулнорахон ҳам яқинда шахсий тажрибаларини жамлаб, «Аппликация» номли китоб нашр этибди.

Сурхондарёлик Бибинор Тангриқулова вақт жиҳатдан ҳам ноанъанавий услуб танлаб, машғулотни 35 минутда якунлади. Мўлжални қарангки, у шу вақтда барча режасини амалга оширди. 6-синф болалари инглиз тили машғулотида қўшиқ, шеър айтдилар. Ўзбекистон мадҳиясини инглиз тилида ижро этдилар. Уларга Буюк Британия, Ўзбекистон ҳақида яхши маълумотлар берилди. Эътиборли томони шундаки, машғулотда фақат инглиз тилида суҳбатлашилди.

Қўқонлик латофатли муаллима Маҳфузахон Раҳимова 7-синфда адабиётдан машғулотни синфхонада бошлади. Уни шаҳардаги Ҳамза музейида сиртдан давом эттирди. Айтиш мумкинки, муаллима мана шу 45 дақиқалик жажжи санъат асари — жозибали дарси билан нуфузли Қўқон маорифининг обрўсини яна бир поғона кўтарди. Болалар ҳам, меҳмонлар ҳам музейни томоша қилиб, Ҳамза Ҳакимзода Ниёзийнинг ҳаёти ва ижоди билан яқиндан танишдилар. Ўқувчилар «Ёш қаламкашлар», «Адабиётшунослар», «Тарихчилар» ва «Мусиқашунослар» гуруҳларига бўлиниб, мушоира мусобақа ўтказишди. Ўз ижодларидан парчалар ўқишди, Фортепьянода куй ижро этишди. Муаллима эса Ҳамзанинг қўшиқларидан бирини айтиб берди. Видеомагнитафонда «Ҳамза» кинофильмидан лавҳа кўрсатилди. Шунингдек, тест услуби қўлланилди. Умуман олганда, Маҳфузахон машғулотни жуда кенг қамровли ва чуқур мазмунли тарзда олиб борди. Унинг мазкур анжуманга узоқ вақт тинимсиз тайёргарлик кўргани, бошқа иштирокчилар сингари кўп меҳнат қилгани ҳар дақиқада сезилиб турди.

Анжуманнинг иккинчи қисмида ўқитувчиларнинг компьютер саводхонлиги синовдан ўтказилди. Иштирокчиларнинг ҳар бири бу жиҳатдан дурустгина билимга эга эканликларини кўрсатдилар.

Мана бу йил кўрик-танлов республикамизда бешинчи марта ўтказилди. Шу йиллар орасида унинг савияси янада ошгани, мазмунан бойигани, миллий педагогикамизда ҳам янгиликлар, ютуқлар ҳийла кўпайиб қолгани алоҳида кўзга ташланди.

Танловнинг мазмун даражаси хусусида бизда ҳам баъзибир фикрлар пайдо бўлди. 14 қатнашчидан 6 нафарини бу йил тил-адабиёт муаллимлари ташкил этди. Мазкур масалани таҳлил этишга эҳтимол ҳожат йўқдир. Аммо қуйи босқич танловларда фақат сўзга ва безакларга эмас, балки дарснинг илмий-услубий мазмунига, мавзунинг долзарблигига атрофлича эътибор берилса, ўқув фанларнинг барчасидан ҳам ютуққа эришиш мумкин.

Ҳакамлар ҳайъатига ҳамма фандан бир кишидан вакил танланибди. Бизнингча, ҳар фандан камида уч нафардан аъзо иштирок этиши лозим. Ҳозирги ҳолатда эса дарс таҳлили биргина кишининг хулосасига боғлиқ бўлиб, қолаяпти.

Энди вақт масаласида. Танловнинг якуний босқичида кўпчилик иштирокчилар белгиланган вақтга риоя этмадилар. Сабаб: қўйиладиган лавҳалар, айтилмоқчи бўлган фикрни одамларга етказиш ҳаддан ортиқ театрлаштириб юборилган. Шу боис кўп вақт йўқотилди ва танлов чўзилиб кетди.

Биламизки, дарс — таълим жараёнида асосий мезон ҳисобланади. Шу боис ҳакамлар ҳайъати муаллимлар билими, иқтидорини баҳолашда асосий эътиборни машғулотларга қаратишди. Танловда барча ғолиб деб топилди. Ҳакамлар томонидан биринчи, иккинчи ва бошқа ўринлар расмий равишда белгиланмади. Аммо қўйилган умумий баллар ўқиб эшиттирилганида хоразмлик Гавҳарой Ибодуллаеванинг энг юқори баҳо олгани маълум бўлди. Унинг бали 62,32 ни ташкил этди. Андижонлик Абдураҳим Мирзааҳмедов эса 62,30 балл тўплади. Қўқонлик мезбон муаллима Маҳфузахон Раҳимова 61,73 миқдорида баҳо жамғарди.

Шундай қилиб, Республика «Ўқитувчи-95» кўрик-танлови ниҳоясига етди. Иштирокчиларнинг барчаси ҳам мукофотларга, қимматбаҳо совғаларга, раҳматномаларга кўмиб ташланди.

Жумладан, таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси Марказий Қўмитаси раиси Иброҳим Абдуғаниев, Ўзбекистон ФА академиги, Беруний мукофоти лауреати, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган фан арбоби Восил Қобулов «Йил ўқитувчиси — 95» кўрик-танлови иштирокчиларини қизғин табриклади. Танлов қатнашчилари орасида энг ёш иштирокчи — Қорақалпоғистонлик Юлия Мирошниченко, томошабинлар олқишига сазовор бўлган андижонлик Абдураҳим Мирзааҳмедов, ижрочилик маҳорати учун наманганлик Маъсуда Раззоқоваларга таълим ва фан ходимлари Касаба уюшмасининг қимматбаҳо эсдалик совғалари топширилди.

Касаба уюшмаси Марказий Қўмитаси раёсати қарори билан ҳамма қатнашчиларга Марказий Қўмита фахрий ёрлиқлари ҳамда Республика ҳудудида жойлашган санаторий ва дам олиш уйларига (улар учун қулай даврда) дам олишлари учун бепул йўлланмалар ажратилган.

Келаси йилги танлов ўқитувчиларнинг ўқитувчиси, ғолибларнинг ғолиби Гавҳарой Ибодуллаеванинг юрти — гўзал Хоразмда ўтказиладиган бўлди. Танлов сўнггида Халқ таълими вазирининг биринчи ўринбосари Йўлдош Саиджонов иштирокчилар билан бир пиёла чой устида суҳбат ўтказди.

Кўрик-танлов сўнгида биз айрим вилоят вакиллари, томошабинлар билан қисқа суҳбат ўтказдик. Уларнинг фикр-мулоҳазалари билан қизиқдик.

Нуриллохон ҳожи Абдуллохон ўғли — Қўқондаги «Роҳат» хусусий савдо ишлаб чиқариш фирмаси раҳбари, кўрик-танлов ҳомийси: — Биз бу тадбирни катта байрам деб билиб, 200 минг сўм ажратдик, ғолибларнинг ҳар бирига биттадан қимматбаҳо кўза, 20 тадан китоб совға қилдик. Қўқонлик ғолиба қизимиз Маҳфузахоннинг ҳаж сафари, чет элга саёҳати ва бир ойлик дам олиш харажатларини ҳам кўтарамиз.

Эсонулла Дадахўжаев, Андижон вилояти ўқитувчилар малакасини ошириш институти ректори: — Танлов ютуқларга бой бўлди. Барча иштирокчиларнинг ҳам тажрибаларини китобча қилиб Республика бўйича оммалаштириш лозим.

**Аваз ҲАЙДАРОВ.**
**Ўз мухбиримиз.**

Фарғона — Тошкент.

Суратларда: кўрик-танловдан лавҳалар.

**Алмурод МАМАДАМИНОВ олган суратлар.**






*Биринчи чорак натижалари*

# РЕЙТИНГ УСУЛИНИНГ АФЗАЛЛИГИ

Навоий вилояти халқ таълими ходимлари малака ошириш институти тавсия этган, ўқувчилар билимини баҳолашни «Рейтинг усули»дан фойдаланиб, яхши натижаларга эришдим, деб ўйлайман. Асосий мақсад ўқувчиларни фанга қизиқтириш, мустақил ишлашга ўргатиш, улар меҳнатини қадрлаш эди.

Мактаб маъмурияти билан келишган ҳолда, ота-оналар ва ўқувчиларга бу усулнинг моҳияти, афзалликлари тушунтирилди. Ўқувчиларга бериладиган карточкаларда 6 хил балл тўплаш жараёни ёзилади: 1. Уй иши, 2. Янги мавзунинг ўзлаштирилиши. 3. Мустақил иш. 4. Савол-жавоблар. 5. Юлдузчали машқ. 6. Тест назорат иши. Дарсдаги ҳар бир жараён 10 баллик тизимда ҳисобланиб, карточкаларга қалам билан ёзиб борилади. Дарс охирида баллар жамланиб, кундаликка ҳам ёзиб қўйилади. Навбатчи ўқувчи карточкаларни йиғиб олади ва дарсдан кейин экранга туширишда ўқитувчига ёрдам беради. Шундан сўнг навбатчи карточкада балларни резинкада ўчириб, эртанги дарсга тайёрлаб қўяди. Шундай қилиб, 2—4 соатдан кейин, яъни маълум бир мавзу ёки параграф тугагандан кейин, мустақил иш ёки назорат иш натижалари ҳам қўшилиб, баллар баҳога айлантирилади. Масалан: Энг юқори балл 40 бўлсин.

Бунда 0—8 балл «1» баҳога, 9—16 балл «2» баҳога, 17—24 балл «3» баҳога, 25—32 балл «4» баҳога, 33—40 балл эса «5» баҳога тенг бўлади. Баҳолар эълон қилиниб, журналга ва кундаликларга қўйилади.

Албатта юқоридаги ишларни бажариш учун ўқитувчидан кўпроқ меҳнат талаб қилинади. Бироқ бунинг афзаллик томонлари жуда кўп. Аввало ўқувчиларнинг дарсдаги активлиги ошади, уйга берилган топшириқларни вақтида бажаришга ҳаракат қилишади, кўпроқ балл тўплаш учун ўқиб-ўрганишга, барча жараёнларда фаол қатнашишга одатланадилар. Ўқитувчида эса ўқувчиларни қандай ўқитаётганлиги, уларда кўникма, малака ва билим қандай шаклланиб бораётганлигини аниқлаш имконияти туғилади.

Мен қийин топшириқларни, яъни юлдузчали машқларни бажарган ўқувчиларни алоҳида балл тизимида баҳолаб бораяпман. Бу эса ўқувчиларни ўз устида ишлашига, изланишга даъват этаяпти.

Биринчи чорак якунидан қуйидаги хулосаларга келдим. Аввал математикадан 8 «А» синфида аъло баҳода ўқийдиган биргина ўқувчи бор эди. Ҳозир улар 3 нафарга кўпайди. «4» баҳога ўқийдиганлар 6 нафар эди, энди 10 ўқувчи бўлишди. Ўзлаштирмаётганлар эса йўқ. Бу ҳали биринчи чорак якуни. Кейинги натижалар бундан ҳам яхши бўлишига ишонаман. Ҳурматли ҳамкасабалар сизларни ҳам ўқувчи билимини баҳолашнинг рейтинг усулидан фойдаланишга даъват этаман.

**Азиза РАШИДОВА,**
**Учқудуқ шаҳар А. Навоий номли 1-ўрта мактабнинг олий тоифали математика ўқитувчиси.**

*Янги китоблар*

## НАШРИЁТ ТУҲФАЛАРИ

*Яқинда «Ўқитувчи» нашриёти қуйидаги китобларни босмадан чиқарди.*

*Ғ. Сатимов, Ш. Алимов, А. Қўлдошев, ИНГЛИЗ ТИЛИДАН ЎҚИШ КИТОБИ, 5-6 синфлар учун.*

Мазкур қўлланма инглиз тилида мустақил ўқишга мўлжалланган. Унда эртаклар, ҳикоялар ва масаллар, мақоллар, маталлар ва фойдали ўгитлар ўрин олган. Буларни ўқиш ва қўлланмадаги шеърларни ёд олиш ўқувчиларнинг сўз бойликларини орттириб, бир-бирлари билан оғзаки мулоқотда бўлишларини осонлаштиради. Қўлланмадан фойдаланишда ҳар бир матндан сўнг бериладиган ўқувчига нотаниш бўлган сўз ва иборалар таржимасиз ҳам қўл келади. Матнлар мазмунига мос ишланган расмлар уларни тушунишни анчагина осонлаштиради.

*Г. Д. Мустақимов. ЎСИМЛИКЛАР ФИЗИОЛОГИЯСИ ВА МИКРОБИОЛОГИЯ АСОСЛАРИ (Ўқув қўлланма).*

Ушбу ўқув қўлланмада ўсимликлар ҳужайрасининг физиологияси, ўсимликларнинг сув режими, карбонат ангидридни ва минерал моддаларни ўзлаштириши, моддалар алмашинуви, ўсимликларнинг ўсиши ва ривожланиши масалалари акс этган. Шунингдек, микроорганизмларнинг морфологияси ва физиологиясига оид материаллар ҳам келтирилган. Китобдан фойдаланишни осонлаштириш мақсадида унинг охирида баъзи атамалар рўйхати ҳам берилган.

Қўлланма педагогика институтларининг талабалари ва ўрта умумий таълим мактабларининг биология ўқитувчилари учун мўлжалланган.

*О. Файзуллаев. ЭЛЕКТРОКИМЁВИЙ ТЕКШИРИШ УСУЛЛАРИ. (Ўқув қўлланма).*

Ўқув қўлланма электрокимёвий текшириш усулларининг назарияси ва амалий масалаларига бағишланган бўлиб, унда ҳозирги электрокимёвий усулларнинг назарий ва амалий асослари, уларнинг текшириш имкониятлари, уларда қўлланиладиган асбоблар хусусида батафсил маълумот берилган. Электрогравиметрия, дифференциал, фарқли импульс, вектор каби усуллар ҳақида ҳам қисқача маълумотлар берилган.

Ўқув қўлланма университетларнинг кимё факультетлари ва кимёдан ихтисос берувчи бошқа олий ўқув юртларининг талабаларига мўлжалланган.

*Хонадон боғча*

## УЙ МУЗЕЙИ ҲАМ БОР

Сарлавҳани ўқиб, ҳойнаҳой «боғчага музейнинг нима алоқаси бор экан» — деб ажабланаётган бўлсангиз керак. Энг қизиғи шундаки, юқоридаги боғчанинг музейга алоқаси бор. Тўғрироғи, Самарқанд шаҳрининг бир табаррук хонадонида ҳам осори атиқаларга бой музей, ҳам болалар боғчаси фаолият кўрсатади.

Яқинда Самарқанд шаҳрида бўлганимизда, ана шу хонадон боғчани кўриш иштиёқи туғилди. Машина тўхтатиб ҳайдовчига манзилимизни айтишимиз биланоқ: «Эҳ-ҳа сизлар, Мелик бобоникига бораяпсизлар, ўтиринглар, адресни ўзим биламан», — деб бизни таклиф этди.

— Етиб келдик, мана шу Мелик бобонинг уйи.

У кўрсатган яшил дарвоза ташқи кўринишдан маҳалладаги бошқа дарвозалардан фарқ қилмасди. Лекин бошқа ҳовлилардан фарқли ўлароқ эшикка: «Сиёб тумани 67- болалар ясли-боғчаси қошидаги 2-уй болалар боғчаси»— деган ёзув осилган.

Дарвоза ҳатлаб ичкарига қадам қўйишданоқ, бу хонадоннинг ниҳоятда файзли ва тароватли эканлигини ҳис қилади, киши. Ҳовли ўртасидаги чаманзорда ранго-ранг анвойи гуллар барқ уриб очилиб турибди. Турли мевали дарахтларнинг шиғил ҳосилдан шохлари букик.

Бизни ўрта ёшлардаги юзларидан нур ёғилган аёл қаршилади ва ичкарига бошлади. Йўл-йўлакай танишиб олдик. Бу киши хонадон-боғчанинг бош тарбиячиси Офият опа Лутфиллаева эканлар. Офият опа ҳамроҳлигида болалар учун ажратилган хоналарга кирдик.

Энг аввало, қайд этиб ўтмоқ жоизки, болалар турли ўйинлар ўйинчоқлар ўйнайдиган хонада ҳам, овқатланадиган хонада ҳам, дам оладиган хонада ҳам нималардир биз одатда давлат боғчаларида кўрган, ўрганиб қолгандагидан бошқачароқ. Ҳамма хоналарга чўғдек гиламлар тўшалган. 14 нафар қоракўз жажжи кравотчаларда мириқиб дам олишаяпти.

Офият опадан хонадон-боғчанинг афзаллик жиҳатлари ҳақида гапириб беришни сўрадик.

— Бизнинг хонадон-боғчамиз 1990 йилда ташкил этилган. Мана, беш йилдирки, турли ёшдаги кичкинтойларни мактабга йўллаяпмиз. Ана шу ўтган давр мобайнида, хонадон-боғчасининг ўзига хос афзалликлари борлигига ўзимиз ҳам амин бўлиб бораяпмиз. Биринчидан, бола хонадон-боғчада тарбияланганда ўзини худди уйидагидай ҳис қилиб ўсади, иккинчидан, ҳар бир боланинг шахсий тарбиясига эътибор берилади. Ундан ташқари, боланинг соғлиғи тинимсиз назоратда, эркинлиги таъминланади, қизиқишлари рағбатлантириб турилади. Болаларимизга ўзбекона урф-одатларимизни чуқур сингдиришда ҳам хонадон боғча алоҳида аҳамият касб этади.

Бизнинг боғчамизда ҳозирги кунда 14 нафар бола тарбияланмоқда. Уларга икки тарбиячи, иккита энага хизмат қилади. Кези келганда айтиб ўтишим лозимки, бу тарбиячи ва энагалар ҳам — ўзимнинг қизим ва келинларим.

Хонадон боғчамизга Сиёб тумани 67-болалар ясли-боғчасининг музика ўқитувчиси ҳамда тиббий ҳамшираси деярли ҳар куни келиб туради. Болалар учун озиқ-овқатни ҳам шу боғчадан келтирамиз. Ўзим ҳам ўша боғчада 20 йилдан зиёдроқ вақт тарбиячи бўлиб ишлаганман. Бир пайтлар ўзим боғчада тарбиялаган болаларнинг болаларини бугун хонадон-боғчамизда тарбиялаётганимиздан хурсандман. Ҳа, кези келганда биз ҳам таъкидлаб ўтмоғимиз жоизки, ота-оналар ҳам Офият опанинг хонадон боғчасидан хурсанд эканлар. Бу хонадон-боғчага боласини жойлаштиришни орзу қилганлар кўпчиликни ташкил қиларкан. Топшириш бахтига муяссар бўлганлар эса кўнгли тинч, кун бўйи иш жойида хотиржам юришларини таъкидлашди. Бу хонадон-боғчадан борган болалар ўзларининг тарбияси, одоби, билими, хуллас, ҳамма жиҳатлари билан мактабда ҳам алоҳида ажралиб туради. Сабаби, бу жажжилар масканида юқорида айтганимиздек, ҳар бир бола тарбиясига алоҳида эътибор берилади, машғулотлар намунали олиб борилади. Ундан ташқари, бу хонадон-боғча ўзининг уй музейи билан ҳам машҳур. Музейни Офият опанинг умр йўлдошлари Мелик ака Лутфуллаев ташкил қилганлар. Музейда ноёб топилма буюмлар, тарихий маданиятимиз, санъатимиз ёдгорликлари шу қадар серобки, ҳар қандай кишининг ҳайратдан, ҳаяжондан лол қолиши табиий. Сиёб тумани 67-болалар ясли-боғчаси қошидаги 2-уй болалар боғчаси тарбияланувчилари эса деярли ҳар кун ана шу музейда бўлишиб, тарихимизга саёҳат қилишади, қадимий урф-одатларимиз, расм-русумларимизнинг қайсидир қирраларини ўрганишади. Маданиятимиз, санъатимиз мўъжизаларидан сеҳрланиб ўсишади. Яратишга иштиёқ ҳиссини туйишади. Комил ишонч билан айтиш мумкинки, бундай ҳис-туйғулар билан ўсган болалар гўзалликка ошно, бунёдкорликка ташна бўлиб улғаядилар.

**Зубайда УСМОНОВА.**

*Мактабгача тарбия муассасаларида*



**Сиз суратда кўриб турган бу жажжи болалар Тошкент шаҳридаги 33-болалар боғчасининг тарбияланувчилари. Улар миллий урф-одатларимиз, анъаналаримиз, расм-русумларимиз ҳақида анчагина тасаввурга эга. Чунки уларга боғча опалари М. Ғаффорова, Л. Бабичук, О. Акимцевалар миллий қадриятларимиз тўғрисида кўп гапириб беришади, тадбирлар ўтказиб туришади, турли хил амалий машғулотлар олиб боришади. Яқинда боғчада ўтказилган «Ҳосил байрами» ҳам ана шундай тадбирлардан бири бўлди.**

**Суратда: Тошкент шаҳридаги 33-болалар боғчасида ўтказилган «Ҳосил байрами»дан лавҳалар.**

**Р. АЛЬБЕКОВ олган суратлар.**



*Бири кам дунё*

## ИНСОННИ... ИНСОНДАН АСРАЙДИ

Ибтидоий аждодларимиз ўз кулбаларида азал-азалдан ит сақлашган. Чунки, бу вафодор жониворлар одамларни йиртқич ҳайвонлардан асраган. Энди, бу — тарих. Бу орада шиддаткор даврнинг чархпалаги неча бор айланди. Барча нарса тараққий этди, ўсди, шу жумладан уйларимиз қоровулларининг сони ҳам, тури ҳам.

Мана, Англиянингт Эмворт шаҳри фуқароларидан бирининг уйини бургут қўриқлар экан. Думбартон шаҳридаги уйлардан бирига ғозлар қоровуллик қилишади.

Яшасин ҳайвонлар! Йўқ, хурсандчилигимиз сабаби уларнинг беминнат хизматидан эмас, балки жониворларнинг кулишни билмаслигидан. Бўлмаса, инсонлар устидан хўп кулишган бўлармиди. Ахир улар инсонни инсондан асрашяпти-да!

## ҚИЗИҚУВЧАН МОЛБОҚАР

Ҳар ким ўз ишини қилгани маъқул. Курган вилоятининг Кетов туманилик Николай исмли молбоқар бу гап моҳиятини билганда эди, кураги синиб касалхонада ётмаган буларди.

Буқаларнинг қизил рангдаги нарсалардан қаттиқ таъсирланишини молбоқар бир эшитган эди. Шу боис, у қизил латта билан «қуролланиб» олиб, буқалардан бирининг жиғига тега бошлади. Лекин, буқа парво қилмади. Бундан жаҳли чиққан хўжайин латта билан молнинг тумшуғига бир-икки урди-да, индамай кета бошлади. Шу пайт орқадан пишқирган товуш эшитилди. Буқанинг кучли шохлари уни тўсиқнинг нарёғига улоқтириб ташлади... Уёғи ўзингизга маълум.

## ТАРКИ ОДАТ АМРИ МАҲОЛ

Белгороднинг Чернянка туманидаги марказий дўконни «Шипшийдам» қилмоқчи бўлган ўғрининг омади чопмади. Маҳаллий милиция уни жиноят устида ушлади ва табиийки суд уни колонияга жўнатди.

Яқинда ўша дўкондан яна ташвишли сигналлар эшитилиб қолди. Ҳар доимгидай ўз вақтида етиб борган милиция ходимларининг ҳайратдан оғзилари очилиб қолди. Чунки, бу сафарги «томтешар» ҳам уларнинг ўша таниши эди.

## РУҲИЯТДА ГАП КЎП

Хитойнинг Цзянсу вилоятида яшовчи 58 ёшли Хан Юйтин деган аёлнинг аввал ўнг кўкрагида, сўнг чап кўкрагида, кейин эса кетма-кет ошқозон, нафас йўлларида рак аломатлари аниқланди. Духтирлар умидсизлик билан жарроҳлик ишларини олиб боришди. Чунки, бу бедаво дард-да. Лекин, мўъжиза ҳеч нарса билан ҳисоблашиб ўтирмас экан. Қарангки, аёлда ракнинг заҳмлари батамом йўқолиб кетди. Духтирлар каловланиб зир югуриб, бунинг сабабини ахтаришаётган бир пайтда, Юйтин хоним ўз сўзини айтди: «Бунинг сабаби мендаги ҳаётга ишончу, руҳий қувват.

Хитойда шунақа гаплар. Лекин, биз ҳам соғлом авлод тарбиясида жисмоний жиҳат билан бир қаторда руҳий камолатга ҳам кўпроқ эътибор қаратсак, келажакда биздан ҳам бир гап чиқиб қоларди.

---

Ўзбекистон Халқ таълими вазирлигининг «Таълимтаъминот» Бош бошқармаси Наманган вилояти Таъминот корхонаси Бош ҳисобчиси Обиджон ТОХИРОВнинг бевақт вафот этганлиги муносабати билан унинг оила аъзоларига чуқур таъзия изҳор қилади.

---

Ўзбекистон Халқ таълими вазирлиги, «Маърифат» газетаси жамоаси «Маърифат»нинг собиқ бош муҳаррир ўринбосари, «Тонг юлдузи» газетаси бош муҳаррири Умида Абдуазимовага ўғли Хожиакбар АБДУҒАФФОРОВнинг бевақт вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия билдиради.

---

АЗИЗ ВА МУҲТАРАМ ЖУРНАЛХОНЛАР!

**«ХЎЖАЛИК ВА ҲУҚУҚ» — «ХОЗЯЙСТВО И ПРАВО»**

ОБУНА ДАВОМ ЭТМОҚДА

Бу сизнинг янги журналингиз, мустақиллик нишонаси, ҳуқуқий жамият шаклланаётган, бозор иқтисоди қарор топаётган бир даврда кўмакчингиз, хўжалик судлари, ҳуқуқ-тартибот идоралари, иқтисодчилар, тадбиркорлар, бизнесменлар, сотувчилар ва олувчилар, ишлаб чиқарувчилар ва истеъмолчилар — ҳамманинг журнали!

ОБУНА НАРХИ
РЕСПУБЛИКА ВИЛОЯТЛАРИ
ВА ҚОРАҚАЛПОҒИСТОНДА
Якка тартибдаги обуначилар учун:
6 ойга — 157 сўм 80 тийин
12 ойга — 315 сўм 60 тийин
Нашр индекси — 75510
Ташкилотлар учун:
6 ойга — 241 сўм 80 тийин
12 ойга — 483 сўм 60 тийин
Нашр индекси — 75511.
ТОШКЕНТ ШАҲРИДА
Якка тартибдаги обуначилар учун:
6 ойга — 123 сўм 30 тийин
12 ойга — 245 сўм 60 тийин
Нашр индекси — 75510.
Ташкилотлар учун:
6 ойга — 207 сўм 30тийин
12 ойга — 414 сўм 60 тийин.
Нашр индекси — 75511.

«Хўжалик ва ҳуқуқ» — «Хозяйство и право» журналига обуна бўлинг! Иш ўрганасиз, ҳуқуқий билимингиз ошади, иқтисодий тафаккурингиз чархланади, бой ва бахтли бўласиз!

*Гурунг*

## НАЖИМ АКА НИМА ДЕЙДИ?

Дарвоқе, сарлавҳани ўқиб, Нажим акани Қодирий бобомиз сўзбуёқ ила сувратини боплаб чизиб кетган Тошпўлат тажанг билан адаштириб юрманг, тағин. Йўқ, Нажим ака — оддий ўқитувчи. Ва яна у киши ўша машҳур «чапани окамиз» каби бўлар-бўлмасга билағонлик қилаверадиганлардан эмас.

Нажим Парпиевни Обид Расулнинг таҳририятимизга жўнатган икки қоғоз маълумотномаси орқали ғойибан танирдим. Яқинда шахсан танишиб қолдик. У киши билан бир суҳбатлашиш истаги туғилди. Келишиб олдик.

Нажим ака яшайдиган Эркин мавзесига соат ўнларда етиб келдим. Домла бекатда кутиб олди. Эркин сокингина гўша экан. Шаҳарнинг шовқинию талотўпи олдида, бу ер кўзимга Жамшиднинг салтанатидай кўринди. Нажим аканинг уйи томон гаплашиб кетдик. У киши атрофни таништириб борди. Айниқса, узоқдан кўриниб турган тепалик ҳақида алоҳида тўхталди:

— Сайилгоҳ. Номи Чоштепа. Жуда қадимий. Йигирма асрдан ошган- ов ёши. Лекин ЮНЕСКО деган ташкилотни ҳеч ишонтириб, бўлмади бунга. (Тўсатдан «Бобурнома»даги «Кутубларда Шош ва Чоч битурларким, камони чочий андиндур» сатрлари эсимга тушди-ю, Чоштепа (Чочтепа) ҳам Тошкент тарихининг бир қисми эканлиги кўнглимдан кечди).

Йўлда ўтган-кетган салом бериб ўтаяпти. Нажим ака ҳар бири билан алоҳида, эринмай сўрашади. Ҳатто, йўлда бир қизча арикдан балиқча тутиб олганлигини айтганда, бориб томоша қилиб ҳам келди. Нажим аканинг уйига етиб келдик. Ҳамма қатори, мўъжазгина ҳовли. Фақат қишлоққа хос бўлган айрича бир ҳид «гуп» этиб димоғимга урди ва кўнглимни яйратиб юборди. Уй аҳли билан сўрашиб, бир хонага кирдик. Меҳмонхона шекилли. Хонтахта тузалган. Ўтирдик. Фотиҳа ўқилди. Одатга кўра, дастурхон устида яна бир марта ҳол-аҳвол сўралди. Мулозамат қилинди. Орага бир оз сукунат чўкди. Ҳозир қайси даврада ўтирманг, албатта, сиёсат ҳақида гап кетади. Жуда оммабоп мавзуга айланган. Сукунатни кўтариш учун шу ҳақида гап очилди. Бу ёғи Чеченистону Болқоннинг мусулмонлари, у ёғи Жанубий Африканинг ҳабашларигача фикр билдириб қўйган бўлдик. Ҳа, биздан нима кетди. Шундай гангир-гунгир қилиб ўтирган эдик, домланинг қўшнилари — таниқли болалар шоири Обид Расул, 270-мактаб директори Шоқодир Шомансуров (Нажим ака шу мактабда ишлар экан) кириб келишди. Танишув қисмидан сўнг, гап ҳамманинг кўнгилидаги мавзуга — адабиётга кўчди. Обид ака ижод машаққати ҳақида гапирди, Шоқодир ака шеър ўқиди. Лекин кўпроқ Нажим акани гапиртирдик. Кўп гаплар бўлди. Хўб гаплар бўлди. Келинг, яхшиси Нажим аканинг ўзидан бир чимдим эшитинг.

***

— Болалагимиз уруш йилларига тўғри келган. Энди, у давр қийинчиликларини фақат кўрганлар билади. Бир бурда зоғора-ю иссиғига бир чўмич атала. Бир кунлик тамадди — шу. Лекин ўша пайтларда ҳам, агар болалик хотирам панд бермаса, мактаб бирор кун тўхтаб қолган эмас. Илмга иштиёқ кучли эди жуда. Умарали ака деган ўқитувчимиз бўларди. «Саводинг (билиминг демоқчи-да) — қуш қанотинг. У ёғи Кўҳиқоф бир қадам-да» деб такрорлашни яхши кўрарди. Ишқилиб, шундоқ талотўпли вақтларда чанқоқлик билан ўқиганмиз. Дарвоқе, ўша юракка одам тугул қил ҳам сиғмай турган даврларда бирорта муаллимимизнинг ҳафсаласизлик билан дарс ўтганини эслай олмайман. Улар тақдирини шу ишга боғлашган эди-да. Хуллас, юқоридаги муаллимларимиз таъсирида кўнглимизга тушган ўт мени Тошкент давлат педагогика институтининг ўзбек тили ва адабиёти факультетига етаклади. Эллик учинчи йили битириб чиқдик. Мана, шундан бу ёғига муаллимлик нонини еб юрибмиз. Тошкент шаҳри, Тошкент вилояти мактабларидан тортиб, Мирзачўлнинг қоқ киндигида ҳам ишлаб келдик. Ҳозир ҳам имкон даражасида дарс бериб турибман. Ўқитувчилик қилаётганимга ҳам қирқ икки йилдан ошиб қолибди, қаранг. Баъзан ўғилларим: «Дада, энди дам олсангиз бўларди», — деб қолишади. Лекин, кўнгил қурғур мактбни ҳеч тарк эткиси йўқ. Қанча обрў-эътиборга эришган бўлсак, ҳаммаси мактаб, оддий ўқитувчилик орқасидан. Кимнингдир «муаллим ўқитиб, ўрганади», деган гапи бор. Жуда билиб айтилган экан, шу. Ўтган йиллар ўқувимизни ҳам, тажрибамизни ҳам чархлаб борди. Келинг, тажрибалар замирида вужудга келган хулосаларимдан бир-иккитасини айтиб берай.

Ўқитувчи учун энг яхши фазилат изланувчанлик экан. Шу бўлмаса, у қотиб қолади. Мана бу альбомларга қаранг. Юздан ошиқ. Уларда мен матбуотда шоир ва ёзувчиларга, умуман тил-адабиётга тааллуқли барча маълумотларни тўплаб борганман. Биринчидан, бу — бир тарих. Иккинчидан, ўша дарсликларда бўлмаган иқтибосларни шу альбомлардан топиш мумкин. Янгилик эса ўқувчини ҳеч қачон бефарқ қолдирмайди.

Деворда осиғлиқ сувратларни кўряпсизми? Журналлардан қирқиб олиниб рамкага солинган, холос. Оддий усул. Лекин, шу нарса ҳам ҳамманинг қўлидан келавермайди-да. Бунинг учун озгина иштиёқ бўлса, етарли. Ҳозир муаллим обрўси тушиб кетаётганлиги ҳақида кўп гап бўляпти. Бунинг илдизларини муаллимнинг ўзидан ахтариш керак, назаримда. Ўқувчиларни ўз фанига қизиқтира олган ўқитувчи ҳамиша эътиборли бўлади. Муаллимнинг энг катта фожиаси ўқувчини зериктириб қўйиши. Шу боис, ижодкорлик, дарснинг янги-янги йўналишини топиш муҳим ҳисобланади. Келинг, ўз тажрибамдан мисол келтирай. Янгийўл туманидаги 40-ўрта мактабда ишлаб юрган пайтларимда ўқувчиларнинг шоир, ёзувчилар билан учрашувини анъанага айлантирдим. Қуддус Муҳаммадий, Илёс Муслим, Сафар Барноев, Худойберди Тўхтабоев, Абдулла Орипов, Ҳусниддин Шарипов, Пўлат Мўмин каби ижодкорлар билан бўлган мулоқотлар ўқувчиларда шундай таассурот қолдирдики, аста-секин уларнинг ўзлари ҳам ташаббус билан чиқа бошлашди.

Фаҳмимча, муаллимнинг ёш-кексаси бўлмайди. Изланувчан, ижодкор, фидойиси бўлади. Бу хислатларга эга ўқитувчи ҳеч қачон четда қолиб кетмайди.

***

Мана, Нажим аканинг бир қисм гапларидан сиз ҳам воқиф бўлдингиз. Хўш, нима бўпти, дерсиз. Ҳеч нима. Нажим ака гапирди, мен ёзиб олдим. Ҳар ҳолда ҳар бир муаллимнинг ўз сўзи бўлгани маъқул-да. Шундай эмасми?

**Асқар ШОКИР.**

*Қутлов*

## ДИРЕКТОР ОПА



Болалик ва ўсмирлик хотиралари инсоннинг энг гўзал хазинаси, энг катта бойлигидир. Шубҳасиз, бу хазина бағрида мактабда илк сабоқ берган ўқитувчиларнинг ҳам унутилмас ёди бўлади. Ахир ҳаммамиз ҳам мактабда таълим берган ўқитувчиларимизни бир умр меҳр муҳаббат билан эслаб юрамиз-ку.

Самарқанд вилоятининг Пастдарғом туманидаги 44-ўрта мактабда ана шундай барча эҳтиром билан ҳузурига ошиқадиган, холис ва одилона сўзни илҳақ кутадиган муаллима бор. У — Ҳалима Эргашева. Кўп йиллардан буён ўқитувчиликдек машаққатли касбда ҳалол ишлаб келмоқда.

— Ўқитувчи билан ўқувчи орасида ота-она ва фарзанд даражасидаги муносабатлар риштаси тортилсагина ҳурматингиз бўлади, — дейди Ҳ. Эргашева. — Ҳозир кўпчилик педагоглар замон ёшларни бузаётгани, уларда таълим олишга қизиқиш сусайиб кетаётганлиги ҳақида куюниб гапиришади. Нега шундай? Чунки, аксарият ўқитувчиларимиз уларга дарсликдаги гап-сўзларнигина етказади, холос. Ҳозирги пайтда тўлақонли педагог бўлиш учун бу жудаям кам. Ёшларга уларнинг ўзлигини танитиш керак — бугунги ўқитувчининг асосий вазифаси шу. Ўзлигини таниган ўсмир, албатта, ўзи учун ўқиб-ўрганади.

Халқ орасида «Устоз кўрган» деган ибора бор. Одатда, ўз ишининг моҳир усталари ҳақида шундай дейишади. Ҳалима Эргашева ҳам ана шундай устоз кўрганлардан. Тажрибали педагог Барот Амиров унинг устози бўлган. Мана бугун Ҳалима опанинг ўзи мўътабар устозлар қаторида.

Ҳ. Эргашева шу тумандаги 21-мактабда ўқиб юрган кезлариёқ муаллимларига ҳавас қилиб, педагог бўлишни орзулаган эди. Чинакам орзу қанотида у Самарқанд давлат университетида таҳсил олди. Сўнгра тумандаги 26-ўрта мактабда ўқувчиларга физика фанидан сабоқ бера бошлади. Ҳалима Эргашева ўз тиришқоқлиги, ташкилотчилиги боис мактаб директорлиги лавозимигача эришди. Мана 23 йилдирки, шу лавозимда ишлаб келмоқда. Албатта, аёл кишининг шундайин машаққатли жойда узоқ ишлаши таҳсинга лойиқ. Унинг устига рўзғорга бекалик қилиш, саккиз нафар фарзандни оқ ювиб-оқ тараб, элга қўшишга кетган машаққатли меҳнат. Мактаб партасидаёқ аҳду паймон қилишган турмуш ўртоғи Тўхта Шариповнинг ҳам педагоглиги, ҳар бир ишда маслакдошлиги Ҳалима опанинг жонига оро кирди.

Шу кунлардa Ҳалима опанинг педагоглик фаолиятига ўттиз уч йил тўлди. Умр дарахтининг энг хушбўй гуллари, сарғайган хазонлари ана шу ўттиз уч йиллик ҳаёт ичида. Бироқ опа бунга ачинмайди, Негаки, бу даврда унинг ўзи қатор шогирдлар тайёрлади. Демак, умр мазмунли, баракали ўтибди. Демак, унинг эзгу ишлари давом этади. Бундан меҳрибон мураббия Ҳалима Эргашева фахрланса, мамнун бўлса арзийди.

**Жўрақул ИСКАНДАРОВ, «Маърифат» мухбири.**

**«МАЪРИФАТ»**

*ТАЪСИС ЭТУВЧИЛАР:*
*Ўзбекистон Халқ таълими вазирлиги, Ўзбекистон Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси Марказий қўмитаси.*

Бош муҳаррир
Саъдулла ҲАКИМ.

Рўйхатдан ўтиш тартиби № 20.
Рақам ва далилларнинг ҳаққонийлиги учун мақолалар муаллифлари масъулдирлар. Фойдаланилмаган мақолаларга ёзма жавоб қайтарилмайди.
МАНЗИЛИМИЗ: 700083, Тошкент, Матбуотчилар кўчаси, 32.
ТЕЛЕФОНЛАР: масъул котиб — 32-54-17, хатлар ва оммавий ишлар бўлими — 32-55-58.
«Шарқ» нашриёт-матбаа концерни босмахонаси.
Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй.
Навбатчи: Асқар Шокиров.

ИНДЕКС: 64595 Буюртма Г.-0509. Ҳажми 2 босма табоқ. Офсет усулида босилган, қоғоз бичими А-2 босишга топшириш вақти — 20.00. Топширилди — 20.00. Газета IBM компьютерида терилди ва саҳифаланди.
1 2 3 4 5 6